

## **“Ахборот сиёсати тўғрисидаги низом” талаблари юзасидан**

**2020 йил давомида амалга оширилган ишлар юзасидан**

### **ХИСОБОТ**

*31.12.2020 йил холатига*

“BIOKIMYO” АЖ ахборот сиёсати тўғрисидаги низом” и талабларидан келиб чиққан холда жамиятнинг барча юзага келган ахборот ва мухим фактлари

- жамиятнинг веб-сайтида,
- “Тошкент” РФБ нинг uzse.uz расмий веб-сайтида,
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг openinfo.uz расмий веб-сайтида
- “Биржа” нашриётида ўз вақтида эълон қилинган.

Жамиятнинг расмий веб-сайтида ахборотлар уч тилда ошкор этилади.

#### **Жамиятнинг ошкор этилиши шарт бўлган асосий ахборотлари бўйича:**

Жамиятнинг устави ва ички корпоратив хужжатлари, эмиссия рисоласи, йиллик ва чораклик хисоботлари, МҲҲС мувофиқ тузилган йиллик молиявий хисоботи, Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташки аудитдан ўтказилганлиги хулосаси ва мухим фактлари доимий равишда ўз вақтида ошкор этиб келинган.

Хусусан 2020 йил давомида 19-муҳим факт “Микдори ёки мол-мулкининг киймати битим тузилган санадаги холатига кура эмитент активларининг 10 фоизидан ортигини ташкил этадиган эмитентнинг бир марталик битимлари” тўғрисида ва 22-муҳим факт “Фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш учун лицензия олинганлиги” тўғрисида эълон берилган.

Жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш тўғрисида ва йиғилиш қарорлари жойлаштирилди.

Жамиятнинг мол-мулкини аукцион савдоларига чиқариш ва сотиш бўйича ОАВ да эълонлар берилган. Жумладан жамиятга тегишли бўлган Ортиқов ДХФУ худудининг 8,2 га ер майдонида жойлашган боғзор ва Халқабод ДХФУ худудининг 14,73 га ер майдонида жойлашган узумзор мол-мулклари хамда “Буғ қозонхонаси асбоб-ускуналари комплекти” “Кўчмас мулк” ва “Республика мулк маркази” савдо ташкилотчилари майдонида сотилди. Бунда Буғ қозонхонаси асбоб-ускуналари комплекти” 3,7 млрд.сўмга ва боғ ва узумзор 1,05 млрд сўмга сотилди.

Аукцион савдоларда сотилган КФЙ Халқабад узумзори мол-мулки сотиб олувчи томонидан ўлиқ тўланмаганлиги оқибатида узумзор мулки қайтариб олинди ва жамият кузатув кенгашининг 2020 йил 21 сентябрдаги 6-сонли йиғилишида тақрорий аукцион савдоларга 864 141 603 сўм бошланғич нархда чиқарилди.

Жамият худудида жойлашган “Катта ҳажмли маҳсус идиш, сифим ва ускуналар комплекти” мол-мулки оммавий аукцион савдоларига 996 062 000 сўм бошланғич баҳосида ва учта автотранспорт воситаларини баҳолангандар нархларда оммавий аукцион савдоларига чиқарилди.

Жамият веб-сайтида қўйидаги ахборотлар ошкор қилинган:

- Жамият устави ва корпоратив низомларининг янги таҳрирлари;
- Жамият кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, ижроия органи, ички аудит, миноритар акциядорлар қўмитаси ва техник кенгаши таркиби;
- Акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари йиғилишларини чақириш ва яқунлари бўйича ахборотлар;
- Жамиятнинг қўшимча акцияларини чиқариш тўғрисидаги қарорлар;

- Мухим факт рақами 08 - “Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ёки ижроия органининг таркибидаги ўзгаришлар”, 06-сонли, 07-сонли мухим фактлар хамда 32 ва 36 -“Аффилланган шахслар рўйхатидаги ўзгартеришлар” эълон қилинди.
- Жамиятнинг йиллик ва чораклик молиявий ва бошқа хисоботлари,
- Жамиятнинг СМК кўрсатгичлари ва жамият бошқарув органлари аъзоларининг тақдирлаш миқдорлари;
- Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини чораклик баҳолашнинг якунлари бўйича натижалари;
- Баҳолаш натижаларида «comply or explain» («риоя қил ёки тушунтири») халқаро тамойилига асосан эълонлар;
- Халқаро молиявий хисобот стандартларига мувофиқ тузилган молиявий хисоботларини Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш, корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш ва молия хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувани ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш мақсадида танловларни ўтказиш тўғрисидаги эълонлар ва танловлар натижалари эълонлар ошкор этилган;
- Жамиятнинг маъқулланган ва тасдиқланган бизнес-режалари;
- Оммавий ахборот воситаларининг жамият тўғрисидаги маъқолалари;
- SWOT-анализ;
- Ривожланиш динамика;
- Фундаментал тахлил натижалари;

### **Жамиятнинг ошкор этилиши шарт бўлган қўшимча ахборотлари бўйича:**

Жамиятнинг расмий веб-сайтида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг №176 сонли қарори бўйича ахборот ва маълумотлар ошкор этилган. Жумладан жорий йилда:

- “BIOKIMYO” АЖ нинг аудиторлик ташкилотини танлаш, корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш учун танловларни ўтказиш тўғрисидаги эълонлар;
- Ўтказилган танлов натижалари эълон қилинди;
- Жамият Бошқарув раиси ва унинг ўринbosарлари лавозимига танлов эълони;
- Хомийлик тўғрисидаги маълумотлар;
- Кузатув кенгаши ва ижроия органи аъзоларининг рағбатлантириш тўғрисидаги маълумотлар;
- Жамият акциядорларига талаб килиб олинмаган дивидендлар бўйича ва ўзининг анкета маълумотлари (паспорт) ни янгилаш тўғрисида хар бирига манзиллари бўйича хатлар ва расмий веб-сайтда хабарлар эълон қилинган.
- Жамиятда амалга оширилган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотлар, жумладан танловлар тўғрисида маълумотлар жойлаштириляпти.

Жамиятда хисобланган дивиденд тўловларининг бориши ва амалга оширилаётган чора-тадбирлари тўғрисида жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассисининг “Дивиденд тўловларининг бориши ва амалга оширилаётган чора-тадбирлари тўғрисида 2020 йил якуни бўйича хисоботи”да акс эттирилган.

**Қимматли қоғозлар бўйича мутахассис *М.Каратеева***